

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

42-сон
(126)
2004 й.
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

445. «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги ПФ-3502-сон Фармони

Учинчи бўлим

446. «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарори

447. «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори

Бешинчи бўлим

449. «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган режали йиллик даромадлар ва харожатлар хажмларининг чораклик

тақсимотини тузиш, бюджетни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш, бюджетда назарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги ўёриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 октябрдаги 111-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 октябрда 1025-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

450. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги ўёриқномага қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 2 октябрдаги 21 /10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 октябрда 1047-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 16 октябрдан 22 октябргacha бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

445 Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органдари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонига мувофик ҳамда ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ердан оқилона фойдаланишини таъминлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш, Давлат кадастрлари ягона тизими ни юритиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлаг қўмитаси (Ўздавергеодезкадастр) ташкил қилинсин.

2. Куйидагилар Ўздавергеодезкадастр қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

геодезия ва картография соҳасидаги фаолиятни бошқариш;

давлат геодезия назоратини ташкил қилиш;

жойларда давлат бошқаруви органлари ва давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизими ни юритиш.

3. Белгилансанки, Ўздавергеодезкадастр қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича хуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Давлат бюджети маблағлари хисобига бажариладиган ер-кадастр, ер тузилиши, тупроқ ва геоботаника соҳасидаги ишлар қўшилган қиймат солишини тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилсан.

5. «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июл даги ПФ-2059-сон Фармони ўз кучини йукотган деб ҳисоблансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекис-

тон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 октябрь,
ПФ-3502-сон

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

446 Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 15 октябрдаги ПФ-3502-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси) таркибига кирувчи ташкилотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ходимларнинг чекланган умумий сони 63 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 43 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган сони 3 ва За*-иловаларга мувофиқ;

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг намунавий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисига, зарурат бўлганда, марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ер ресурслари бошқармалари, ер, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бош бошқармалари, техник хатловдан ўтказиш кадастри бюролари негизида ташкил этилади;

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Тошкент шаҳар ер муносабатларини тартибга солиш ва кўчмас мулк кадастри бош бошқармаси ҳамда якка тартибдаги уй-жойларни хисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси негизида ташкил этилади;

туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари тегишли равишда туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари хизматлари, кўчмас мулк кадастри хизматлари ва техник хатловдан ўтказиш кадастри бюролари негизида ташкил этилади.

* За, 4-иловалар берилмайди.

3. «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида «Картография» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилсин, тегишли равища «Ўздаверлойиха» илмий-лойихалаш институти ҳамда Геодезия назорати давлат инспекцияси таркибидан чиқариладиган «Агрохарита» картография фабрикаси ва Давлат картография-геодезия фонди унинг таркибига берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Геодезия назорати давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги Давлат геодезия назорати инспекциясига айлантирилсин.

5. Техник хатловдан ўтказиш Республика кадастр бюроси ҳамда Хўжалик хисобидаги Республика қўчмас мулк кадастри хизмати, «Ер-сервис» илмий-техника маркази, «Геотехника» давлат унитар корхонаси тугатилсан, уларнинг функциялари ва мол-мулки белгиланган тартибда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига берилсан.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда қўрсатиб ўтилган тузилмаларни тугатиш билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширасин.

6. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Андижон, Бухоро, Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий шаҳарларининг, Фиждувон ва Қоракўл туманларининг илгари хусусийлаштирилган техник хатловдан ўтказиш кадастр бюrolарининг архивлари белгиланган тартибда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли бўлинмаларига берилишини таъминласинлар.

7. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этиш ва унинг раҳбар ходимларини, худудий бўлинмалар ҳамда Қўмитага қарашли тузилмалар раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси 6-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсан.

Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасини ташкил этиш билан боғлиқ барча зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилишини;

худудий бўлинмаларнинг ташкилий тузилмаси мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини;

бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрилишини;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси марказий аппарати раҳбар ходимлари, худудий бўлинмалар ва Қўмитага қарашли тузилмалар раҳбарлари аттестациядан ўтказилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида ана шундай худудий комиссиялар ташкил этилсан.

8. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

моддий-техник базани хатловдан ўтказсан, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси худудий бўлинмаларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги низом, (суғориладиган экин майдонларининг оборотдан чиқиб кетишига йўл

* 6-илова берилмайди.

кўймасликка алоҳида эътибор берган ҳолда) Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги низом, янги таҳрирдаги Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитекткурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига қарашли ташкилотлар томонидан бажариладиган лойиҳа-қидируг ва ер тузиш ишлари кийматини шартномавий, жорий нархларда аниқлашнинг янги тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда бажариладиган ишлар (хизматлар) қийматини геодезия, картография, топография, ер тузиш, кадастр ва баҳолаш ишларини амалга оширишнинг замонавий технологияларини жорий этиш ҳисобига пасайтиришни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда республиканинг барча худудида ерларнинг микдори ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисботлар шаклларини қайта кўриб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда янги ягона ҳисбот шаклларини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси илгари эгаллаб турган хизмат бинолари ва хоналари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва унга қарашли ташкилотлар ихтиёрида колдирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларини, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларини бинолар, жихозлар ва телефон алоқаси билан таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан ҳамда баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 19 октябрь,
483-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
(«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси) таркибига кирувчи
корхоналар ва ташкилотлар рўйхати**

1. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари
2. Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари
3. Давлат геодезия назорати инспекцияси
4. Марказий аэрогеодезия корхонаси
5. Самарқанд аэрогеодезия корхонаси
6. «Картография» давлат илмий-лойихалаш корхонаси
7. Геодезия ва картография миллий маркази
8. Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти
9. Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойихалаш институти «Ўздаверлойиҳа»
10. «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат
кадастри давлат қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига
3-ЙЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари
ва давлат кадастри бошқармаларининг намунавий тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб аталади) давлат бошқарув органи ҳисобланади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига ҳисобот беради.

2. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тизимиға Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, Давлат геодезия назорати инспекцияси, Марказий ва Самарқанд аэрогеодезия корхоналари, Геодезия ва картография миллий маркази, «Картография» давлат илмий-лойихалаш корхонаси, Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойихалаш институти — «Ўздаверлойиха», Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти, «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси киради.

Худудий бўлинмалар «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига бўйсунади ва тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига ҳисобот беради.

3. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

4. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларининг мөддий-техника таъминоти, шунингдек ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, унинг худудий бўлинмалари, унга идоравий мансуб бошқа органлар, корхоналар ва муассасалар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг вазифалари
ва функциялари**

7. Кўйидагилар «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупрок унумдорлигини сак-

лаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

тупрок унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза килишга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

геодезия ва картография фаолиятини бошқариш;

давлат геодезия назоратини ташкил этиш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

8. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ердан фойдаланиш соҳасида:

ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза килишга йўналтирилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупрок унумдорлигини саклаш, оширишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ер тузиш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни, ер ресурслари ни ҳисобга олиш ва баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қиласи ва амалга оширади, йўл қўйилган конун бузилишларини бартараф этиш ва айбор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди;

ер фондининг ҳолатини кузатиш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида ерлар мониторингини амалга оширади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда тупрок унумдорлиги-ни ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза килиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида ҳар йилги Миллий ҳисботни тузади.

б) геодезия ва картография фаолияти соҳасида:

давлат геодезия тармоғини яратади, ривожлантиради ва иш ҳолатида сақлайди;

давлат мақсадидаги ҳамда маҳсус мақсаддаги график, рақамли, фотосуратли ва бошқа шакллардаги топография хариталари ва планларини яратади, янгилайди ва нашр қиласи;

Ерни масофадан зондлашни ва геодинамик тадқиқотларни амалга оширади;

умумжуроғий, сиёсий-маъмурӣ, илмий-маълумотнома ва бошқа мавзуули хариталарни ҳамда тармоқлараро мақсаддаги атласларни, ўқув картография кўллан-маларини тузади ва нашр қиласи;

давлат мақсадидаги ва махсус мақсаддаги жуғрофий ахборот тизимларини яратади ва юритади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси чизикларини делимитация, демаркация килишни ва текширишни геодезия, картография ва гидрография жиҳатидан таъминлашни ташкил қиласди;

геодезия, картография ва кадастри ишларини метрология жиҳатидан таъминлашни ташкил қиласди;

геодезия ва картография фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солади;

давлат геодезия назоратини амалга оширади;

давлат картография-геодезия фондини шакллантиради ва юритади;

жуғрофий номлар стандартлаштирилишини, хисобга олинишини ва уларни қўллаш тартибга солинишини таъминлайди;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технология ишларини бажаради, норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқади, геодезия ва картография асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил қиласди;

иктисодиёт тармоқларини, фан, мудофаа ва аҳолини геодезия, картография ахборотлари билан таъминлайди;

геодезия ва картография фаолияти лицензияланишини ташкил қиласди;

в) давлат кадастрини юритиш соҳасида:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиладиган тармоқ кадастри ахборотларини йиғиш, таҳлил қилиш, туркумлаш, сақлаш ва янгилашни амалга оширади;

давлат ер кадастрини юритади;

бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритади;

давлат картография-геодезия кадастрини юритади;

илмий-тадқиқот ва тажриба-технология ишларини бажаради, норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш) ишларини ташкил қиласди ва амалга оширади;

фойдаланувчиларни кадастри ахборотлари билан таъминлайди;

г) кўчмас мулкка ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва кўчмас мулкка доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

кўчмас мулкка ҳуқуқлар, уларнинг бир ҳуқуқ эгасидан иккинчисига ўтиши тўғрисидаги, кўчмас мулкка ҳуқуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил қиласди.

9. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўзига юкландган вазифалар ва функцияларни бежосита, шунингдек ўзининг худудий бўлинмалари, бошқа идоравий мансуб органлар ва муассасалар орқали ҳал қиласди.

III. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўзига юкландган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўзига юкландган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотларни сўраш ва текин олиш;

кадастр маълумотларига мувофиқлигини аниқлаш учун тупроқни текшириш; хайъат мажлисларида давлат бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ваколатига киритилган масалалар бўйича хисоботларини эшитиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича текширишларни белгиланган тартибда амалга ошириш, ер ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган, давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ер конунчилиги бузилиши оқибатида етказилган зарарни ундириш бўйича даъволар тақдим этиш, ер ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тақдимномаларни тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга жўнатиши;

ер ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ер участкаларига бўлган хукуқларни тўхтатиш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиши;

геодезия ва картография фаолияти субъектларини белгиланган тартибда текшириш;

халқаро ташкилотларда ерлардан фойдаланиш, геодезия, картография ва кадастр масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ишлаб чиқиш учун бошқа вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофик бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида тасдиқлашга ҳақлидир.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

13. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошчилик қиласи.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси айни бир вақтда ерлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилинишини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори ҳисобланади.

Раиснинг уч нафар ўринbosари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринbosари бўлади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Раиснинг биринчи ўринбосари айни бир вақтда Геодезия ва картография бошбошқармасининг бошлиги хисобланади.

14. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг раиси:

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди ҳамда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига юкландиган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тизими бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси фаолияти айrim участкаларига раҳбарлик килиш ҳамда идоравий мансуб органлар ва муассасалар ишлари юзасидан жавобгарлик даражасини белгилайди;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил қиласди;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, қўмита марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси марказий аппарати, идоравий мансуб органлар ва муассасалар харажатлари сметасини тасдиқлайди;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг таркиби ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, идоравий мансуб бошқа органларнинг ҳамда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тизимида кирувчи муассасаларнинг низомларини (уставларини) белгиланган тартибда тасдиқлайди;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмаларнинг, идоравий мансуб бошқа органларнинг ҳамда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тизимида кирувчи муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди.

Раис қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасида таркибига раис (ҳайъат раиси), раис ўринбосарлари (лавозимга кўра), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг бошқа раҳбар ходимлари, шунингдек давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбар ходимлари кирадиган, 9 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳайъати қўмита фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, бошқа идоравий мансуб органлар ва муассасалар раҳбарларининг хисоботларини эшитади, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг энг муҳим қарорлари ва бошқа хужжатлари лойиҳаларини муҳокама қиласди.

Ҳайъат қарорлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси қарорлари билан амалга оширилади.

Раис билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда

ўз қарорини амалга оширади, ҳайъат аъзолари эса, ўз навбатида, ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

16. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ўз фаолиятини Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари айни бир вақтда тегишли худудларда ерлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилинишини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Туманлар, (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз фаолиятини туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари билан келишилган ҳолда Қорақалпогистон Республикаси ҳамда вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари, шунингдек хўжалик юритувчи асосий субъектлар раҳбарлари Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни тақдимномасига биноан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тақдимномасига биноан Қорақалпогистон Республикаси ҳамда вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

17. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига
7-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 31 январдаги 44-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисида» 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарорига қўшимчалар киритиш хақида» 1997 йил 9 декабрдаги 541-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 27 июлдаги 314-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 25 декабрдаги 534-сон қарорига илованинг 1-банди.

**II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорлариға кирилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисида» 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарорида:

а) қарор номидаги «кўчмас мулк» сўзи «бинолар ва иншоотлар» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-банднинг учинчи хатбошидаги «бинолар ва иншоотларнинг» сўzlари «бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуқларнинг» сўzlари билан алмаштирилсин ва 2-илова янги таҳрирда баён қилинмоқда;

в) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Туманлар ва шаҳарларда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига юклансин»;

г) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасида назарда тутилган бинолар ва иншоотларга эгалик ҳукуқини ҳамда улар юзасидан битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.

д) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низомда:

9-банддаги «туман, шаҳар кўчмас мулк кадастри хизматлари» сўzlари «туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига» сўzlари билан алмаштирилсин;

16-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

26-банддаги «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси» сўzlари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги 543-сон қарорида:

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Туманлар ва шаҳарларда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига юклансин»;

б) 3 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низомда:

23-банда:

«Ер ресурслари давлат қўмитаси ва «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси» сўzlари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

«Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўzlари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

24-банддаги «хизматларнинг» сўзи «туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

25-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Туманлар ва шаҳарларда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юри-

тиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади»;

27—29-бандлар қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«27. Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари:

мулкдорлардан, ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан ва ижарачилардан хукукий холатда, ер участкаларининг таркибида ва ер участкаларидан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар ва натурада текширилгандан кейин жорий ўзгаришларни уч кун мобайнода ер кадастри ахборотига киритадилар;

туман (шахар) ер ресурслари миқдори ва уларнинг сифати тўғрисидаги маълумотлар банкларини тузадилар ва уларни замонавий даражада тутадилар;

хар йили 15 январгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларига ерларнинг миқдори ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисботот тақдим этадилар.

28. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари:

туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ер кадастрини юритишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб борадилар;

туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ҳисботларини умумлаштирадилар, ер участкасига эгалик хукуки субъектлари, минтақадаги ер ресурслари миқдори, сифати ва уларни баҳолашга доир маълумотлар банкини яратадилар, Республика ер маълумотлари ягона банкини яратища қатнашадилар;

ер участкаларига бўлган мулкчилик, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ижарага олиш хукуқини, сервิตутлар тўғрисидаги битимларни ва ушбу хукуқлар бўйича бошқа чеклашларни рўйхатдан ўтказадилар;

табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб олинган минтақа ерларининг миқдори ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисботларни хар йили 1 февралгача «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига тақдим этадилар.

29. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси:

давлат ер кадастри юритилишини тартибга солувчи меъёрий хужжатларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди;

вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг маъмурий чегараларини, кейинчалик уларнинг майдонларини мувофиқлаштирган холда, геодезик усууллар билан белгилаш ва жойларга бириктириб қўйиш ишларини амалга оширади;

топография-геодезия ишларини ва ерларни тегишли масштабларда харитага олиши ташкил қиласди;

ер ресурсларини аэрокосмик усууллар билан ўрганишни ташкил этади;

худудий бўлинмаларнинг ерларнинг миқдори ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисботларини ўрганади, таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

ишлаб чиқилган ер кадастри ахборотлари сифатини назорат қиласди;

мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

тупрок, геоботаник ва бошқа турдаги маҳсус тадқиқотларни, ерларни баҳолашни ташкил этади;

ер кадастри ахборотининг сифати ва хар хиллигига талабни мунтазам ўрганиб боради, ер кадастрини юритиш технологиясини такомиллаштириши таъминлайди;

республика минтақалари бўйича ер кадастри хужжатларини янгилаш навбатини ва муддатларини асослаб беради;

автоматлаштирилган ер ахбороти тизимини жорий этишни ва унинг фаолиятини амалга оширади;

ер кадастри ахборотларини нашр этади, манфаатдор вазирликлар ва идораларга маълумотлар тақдим этади;

Давлат кадастрлари ягона тизимиға тақдим этиладиган ер кадастри ахборотлари таркибини, ҳажмини ва уларга техник талабларни белгилайди;

ҳар йили 1 мартача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ер ресурсларининг холати тўғрисида Миллий ҳисоботни тақдим этади»;

30 ва 31-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 9-сон, 57-модда):

а) Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низомда:

19-банддаги «Ер ресурслари давлат қўмитаси» сўzlари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси» сўzlари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 20-банддаги «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси» сўzlари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 21 декабрдаги 493-сон қарорида:

а) 5-банд чиқариб ташлансин;

б) 3-иловадаги «Техник хатловдан ўтказиш кадастри бюроси» сўzlари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 12-сон, 79-модда):

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисида низомда:

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «ер ресурслари бўйича тегишли хизматларга», «ер ресурслари бўйича хизматлар» сўzlари тегишли равища «ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига», «ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

16—18-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ерларнинг базавий ва даврий мониторинги — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан юритилади.

17. Ерларнинг тезкор (навбатчи) мониторинги туманлар ва шаҳарлардаги базавий ва даврий мониторинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда — туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан юритилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари Давлат табиятни муҳофаза қилиш қўмитасининг худудий органлари билан биргалиқда ҳар йили 1 февралдан кечиктирмай маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига, Давлат табиятни муҳофаза қилиш қўмитасига минтақадаги ерларнинг ҳолати тўғрисида ахборотлар (ҳисоботлар) тақдим этадилар, ўта хавфли ва йўл қўйилиши чекланган жараёнлар аниқланганда тезкор маълумотлар юборадилар».

6. Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр ракамларини шакллантириш тартиби тўғрисида низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 66-модда):

а) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Худудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан амалга оширилади»;

б) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга, биноларнинг, иншоотларнинг бир қисмига кадастр ракамлари бериш ушбу объектларга эгалик қилиш хуқуқлари давлат рўйхатидан рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан ўтказилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан амалга оширилади».

7. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 3 апрелдаги 111-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 4-сон, 19-модда):

а) 2-банддаги «Ер ресурслари давлат қўмитаси» сўzlари «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсун;

б) Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида низомда:

12-банднинг бешинчи хатбоидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсун;

1-2-иловалардаги «Ер ресурслари давлат қўмитаси» сўzlари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсун.

8. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 119-модда) билан тасдиқланган Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом матнидаги ҳамда унга 2-ило-

вадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси», «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси», «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига», «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг», «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасида» сўзлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси», «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси», «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига», «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг», «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасида» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Махкамасининг
1997 йил 2 июндаги 278-сон қарорига
2-ИЛОВА

(Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарори
тахририда)

**Ўзбекистон Республикаси
Герби**

**БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИНГ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ ТЎФРИСИДА
ГУВОХНОМА**

Ушбу гувохнома _____ га
 (юридик ёки жисмоний шахснинг номи)

солик тўловчининг идентификация тартиб рақами (ИНН) _____,

(бино, иншоотнинг жойлашган жойи)

_____ манзилда жойлашган
 бино, иншоот _____
 (хукук турни)

хукуқи билан тегишли
 эканлиги хақида берилди ва унга _____ кадастр
 рақами берилди. Бу тўғрида _____
 (хужжатлар номи)

_____ асосида
 - сон билан _____ нинг
 (туман, шахар)

бино, иншоотга бўлган хукуқни рўйхатга олиш кадастр (реестр) дафтарига тегиши
 лича ёзиб қўйилди.

Рўйхатга олувчи _____

М. Ў. 20____ й. «____» _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

447 Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқа- ришни янада такомиллаштириш тўғрисида

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда
 пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга йўналтириладиган маблағлар-
 нинг мақсадли ва аниқ сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек
 бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини самарали бошқаришни ташкил этиш
 мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқа-
 ри Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
 Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) айлантирилсин.

2. Қўйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифа-
 лари ҳисоблансин:

фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий таъминот ва ижти-
 моий суғуртага бўлган хукуқларини амалга ошириш;

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ягона йифма ҳисоб рақамида жамлаш;

2005 йил 1 январдан бошлаб пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлаш харажатларини молиялаштириш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағларнинг тўлиқ тушиши ва ўз вақтида сарфланиши устидан назоратни таъминлаш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш кенгаши таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг ходимларнинг чекланган умумий сони 16 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 14 киши бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи дирекциясини ташкил этсан.

4. Белгилаб қўйилсинки, қўйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

a) мажбурий ажратмалар ва бадаллар:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юридик шахслар иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган микдори;

алоҳида юридик шахслардан ижтимоий суфуртага бадаллар;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуфулланувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий суфуртага бадаллари;

фуқароларнинг иш ҳақидан суфурта бадаллари;

юридик шахсларнинг товар айланмаси ва сотилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) ҳажмидан ажратмалари, қўшилган қиймат солилига ва акциз солиличириб ташланган ҳолда;

б) бошқа тўловлар:

муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар, шунингдек «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ регресс талаблар (даъвolar) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар;

дехқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий равишда тўланадиган суфурта бадаллари;

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун белгиланган тартибда ҳисобланган жарималар ва пеня;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини молия бозорларида жойлаштиришдан фоиз сифатида олинадиган даромадларга солиқ солинмайди.

5. Белгилансинки:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар микдори ҳамда уларни тўлаш тартиби қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади;

* 1-илова берилмайди.

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бадаллар ва тўловлар давлат солиқлари ва йифимларига тенглаштирилади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари Ўзбекистон Республикасининг йифма бюджети таркибига киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бадаллар ва тўловларни йиғиш ва уларнинг тўлик тушишини назорат қилиш функцияларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларнинг ўз вақтида тайинланиши ва тўланиши, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг давлат ижтимоий суғурта бўйича харажатлари белгиланган тартибда молиялаштирилиши устидан назоратни таъминлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг барча даражалардаги ҳисоб рақамларидаги 2004 йил 31 декабрдаги ҳолатига қўра қолдиқ маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифларни бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда амалдаги норматив хужжатларга мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 октябрь,
490-сон

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи
дирекциясининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий со ни — 16 киши,
шу жумладан:
бошқарув ходимлари — 14 киши;
ёрдамчи ходимлар — 2 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартибини ҳамда Жамғармани бошқариш принципларини белгилайди.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга оширишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

2. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ягона йигма ҳисоб рақамида жамланади.

3. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларининг тасаруфчиси ҳисобланади.

4. Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг йиғилишини таъминлаш, шунингдек ушбу маблағларнинг Жамғармага тўлиқ тушишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

5. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари маблағларни шакллантириш ва сарфлашнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг йифма бюджети таркибига киритилади ва Жамғарма балансида акс эттирилади.

6. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мустақил балансга, ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган гербли мухрга эга бўлади.

7. Жамғарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, X. Сулаймонова кўчаси 29-үй.

II. Жамғарманинг мақсади ва асосий вазифалари

8. Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлардан тушган маблағларни жамлаш ўёли билан ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш, шунингдек маблағларнинг пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш Жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

9. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий суфуртага бўлган давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларини амалга ошириш;

республикада пенсия таъминотини янада такомиллаштириш;

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни Жамғарманинг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамида марказлаштирилган тартибда жамлаш;

пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга харажатларни молиялаштириш;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни таъминлаш;

Жамғарма маблағларини кўпайтиришни ташкил этиш;

давлат ижтимоий суфуртаси соҳасида халқаро алоқаларни амалга ошириш, чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

III. Жамғармани бошқариш кенгаши

10. Таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқла-надиган Жамғармани бошқариш кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Жамғармани бошқариш кенгаши мажлислари ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғармани бошқариш кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

11. Қўйидагилар Жамғармани бошқариш кенгашининг функциялари ҳисобланади:

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги хисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг Жамғармага тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш тўғрисидаги ахборотларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва Ҳалқ банки бўлинмалари томонидан Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида таклифлар киритиш;

Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг фаолиятини, айниқса даромадлар манбаларини шакллантириш, Жамғарма маблағларининг ўз вақтида молиялаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишига доир фаолиятини назорат қилиш;

Жамғарма даромадларининг шакллантирилиши ҳамда фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий суфуртага бўлган давлат томонидан кафолатланган хукуқларининг амалга оширилиши билан боғлиқ бошқа функцияларни амалга ошириш.

IV. Жамғарманинг ижро этувчи органи

12. Тузилмаси ва ходимларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси (кейинги ўринларда Ижро этувчи дирекция деб аталади) Жамғарманинг ижро этувчи органи хисобланади.

Ижро этувчи дирекциянинг таъминоти республика бюджети маблағлари хисобига амалга оширилади.

13. Жамғарманинг Ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи директори, зарурат бўлганда, Ижро этувчи дирекция тузилмасига ходимларнинг умумий сони доирасида ўзгартишлар киритиш хукуқига эга.

14. Ижро этувчи директор ўринbosари Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ижро этувчи дирекция:

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

хар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда — даромадлар манбалари бўйича тушумлар прогнози, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан бирга — Жамғарма маблағлари харажатлари лойиҳасини ишлаб чиқади;

Жамғарма маблағларидан пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни молиялаштиради;

Жамғарма маблағларини ўз вақтида молиялаштириш ва улардан самарали фойдаланиш мониторингини амалга оширади;

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари, корхоналар ва

ташкилотлар томонидан пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларнинг тўғри хисобланиши бўйича режали текширишларни амалга оширади;

Давлат солик хизмати органлари томонидан Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вактида йигилишини таъминлаш бўйича доимий мониторингни амалга оширади;

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ҳамда Халқ банки бўлинмаларида пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларнинг тўлиқлигини ва ўз вактида тўланишини текширади;

давлат ижтимоий суғурта тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш бўйича олдини олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиши мақсадида Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ўрта ва узок муддатли прогнозларини тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиши учун Жамғармани бошқариш кенгашига киритади;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар юборади;

Жамғармани бошқариш кенгашига Жамғарманинг пенсиялар, нафақалар ва тўловларнинг барқарорлигини ва ўз вактида тўланишини таъминлаш учун зарур бўлган айланма — касса маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи микдорлари тўғрисида таклифлар киритади;

Жамғармани бошқариш кенгашига Жамғарма бюджетининг ижроси тўғрисида ги хисоботларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

ўз ваколатлари доирасида Жамғарма вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган йўриқнома ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқади;

Жамғарманинг вақтингчалик бўш маблағларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида депозитларга ва давлат қимматли қофзларига жойлаштиради;

топшириқномалар, ведомостлар ва поча жўнатмалари бўйича тўланадиган пенсиялар ҳамда нафақаларни жўнатганлик ва етказиб берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тақдим этилган тарифлар микдорларини кўриб чиқади ва тасдиқлади.

16. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасидан — Жамғарма даромадларини шакллантиришга тааллуқли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан — Жамғарма маблағларининг сарфланиши бўйича хисобот маълумотлари ва ахборотларнинг тақдим этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

V. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини кўриб чиқиши ва келишиб олиш тартиби

17. Манбалар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича келгуси йил учун Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнози Жамғарманинг ижро тувчи дирекцияси томонидан ишлаб чиқилади ва кўриб чиқиши учун Жамғармани бошқариш кенгашига киритилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар йили 15 июндан кечикмай Жамғармага жорий йил учун Жамғарма харажатларининг кутилаётган ижросини ва келгуси йил учун Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этади.

19. Ижро этувчи дирекция Жамғармани бошқариш кенгashi томонидан маъкулланган даромадлар ва харажатлар прогнозини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

20. Олий Мажлис сессиясида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

тасдиқлангандан, шунингдек келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси-нинг қарори қабул қилингандан кейин Ижро этувчи дирекция беш кун муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига — келгуси йил учун тасдиқланган Жамғарма даромадларининг минтақалар бўйича асосий параметрларини;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига — келгуси йил учун тасдиқланган Жамғарма харажатларининг турлар ва минтақалар бўйича асосий параметрларини (йўналишларини) етказади.

21. Жамғарма бюджетининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш:

юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ йиғилиши ва тушиши бўйича — Давлат солик хизмати органлари томонидан;

ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш бўйича — Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси томонидан;

Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда ўз вақтида тайинлаш, тўлаш ва аниқ манзилли сарфлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг худудий бошқармалари ва бўлимлари томонидан таъминланади.

VI. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳамда Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлиги

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва унинг худудий органлари қўйидагиларни таъминлайди:

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва манбалар бўйича бошқа тўловларнинг тўғри хисобланиши, Жамғармага тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни тўловчилар бўйича хисобга олиб бориш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўғри хисобланишини, шунингдек Жамғарма билан ўзаро хисоб-китобларнинг ҳолатини текшириш;

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни хисоблаш тартибини ва тўлаш муддатларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахларга нисбатан қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ва маъмурий жавобгарлик чораларини қўлланиш;

бадалларни ҳар бир шахс бўйича хисобга олиш ҳамда меҳнат дафтарчалари юритиши учун ҳар чорақда тегишли ижтимоий таъминот бўлимларига юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда дехқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган бадаллар микдорлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши.

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига:

тушган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва тўловлар тўғрисидаги, Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар турлари бўйича қарзлар тўғрисидаги тезкор хисоботни ҳар ойда хисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунигача;

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни хисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги хисоботни юридик шахслар томонидан йил чораги ва йиллик хисобот тақдим этилгандан кейин 15 кун мобайнида тақдим этади.

24. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари:

пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларини (компенсация тўловлари бўйича — бюджет ташкилотларидан ташкари) ўз вақтида тайинлайдилар ва тўлайдилар;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, шунингдек улар томонидан ижтимоий сурурта бадаллари тўланган тақдирда дехқон хўжалиги аъзоларига — вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва тувиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар, дафн маросими нафақаларни ҳисоблайдилар ва тўлайдилар;

ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва тувиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар, дафн маросими нафақалари, 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қўшимча дам олиш куни учун тўловлар, компенсация тўловлари тўлаш учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг харажатларини молиялаштирадилар;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда майиб бўлганлик ёки касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни айбдор юридик ва жисмоний шахслардан регресс даъволар бўйича белгилangan тартибда ундириб оладилар;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан, шунингдек дехқон хўжалиги аъзоларидан бадаллар тушишининг ҳисобини олиб борадилар;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг, шунингдек дехқон хўжалиги аъзоларининг меҳнат дафтарчаларини юритадилар ва сақлайдилар;

Жамғарма маблағларини конун хужжатларига мувофиқ мақсадли сарфлайдилар;

пенсиялар, нафақалар ва компенсациялар ўз вақтида ҳисобланиши ҳамда тўлашини таъминлаш масалалари бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласидилар;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликлари аъзоларига ижтимоий сурурта бўйича нафақалар олиш ҳуқуқини берувчи хужжатларнинг ишончлилигини текширадилар.

25. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига:

хар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунигача минтақалар бўйича пенсиялар, нафақалар ва компенсациялар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида тезкор ахборот;

тасдиқланган шакл бўйича юридик шахсларнинг йил чораги ва йиллик ҳисоботи тақдим этилгандан кейин 15 кун мобайнида маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

26. Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни мустақил тўловчи юридик ва жисмоний шахслар:

конун хужжатларида белгилangan миқдорда ва тартибда мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблайдилар ва Жамғарманинг ҳисоб рақамига тўлайдилар;

Жамғарма маблағлари бўйича давлат солик хизмати органларига ҳисобот бе-

ришнинг белгиланган шакллари ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдилар.

Бундан ташқари, юридик шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иш жойи бўйича тўланадиган Жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланишига қатъий риоя этилишини таъминлайдилар.

VII. Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ва тартиби

27. Жамғарма даромадлари қўйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

а) мажбурий ажратмалар ва бадаллар:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тушумларининг белгиланган миқдори;

алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суурита бадаллари;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий суурита бадаллари;

фуқароларнинг иш ҳақидан суурита бадаллари;

қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг товарлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан ажратмалари. Бунда узок муддатли активлар ва ўзи фойдаланадиган бошқа мол-мulkни сотиш мажбурий маблағ ажратиш обьектига киритилмайди.

б) бошқа тўловлар:

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ тайинланган меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;

дехқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий равишда тўланадиган суурита бадаллари;

ҳисобланган жарималар суммаларининг бир қисми, қонун хужжатларига мувофиқ солик органларини ривожлантириш жамғармасига ундириладиган суммалардан ташқари, мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар;

корхона тутатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига учраган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ихтиёрий бадаллар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар.

28. Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни ўтказиш Жамғарманинг банкларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг белгиланган таснифларига мувофиқ тушумларнинг ҳар бир тури бўйича очилган тегишли транзит ҳисоб рақамларига ўтказилади.

29. Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан тегишли туман (шахар) солик органлари учун хизмат кўрсатувчи банкларда очилган транзит ҳисоб рақамларига ҳисобланган сумманинг тўлиқ миқдорида ўтказилади. Тушган маблағлар ҳар куни хизмат кўрсатувчи банклар томонидан белгиланган нормативлар бўйича тақсимланади ва тегишли равишда Жамғарма, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳисоб рақамларига ёзилади.

30. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган бошқа мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар уларга хизмат кўрсатадиган тижорат банклари орқали туман (шахар) солик органларига хизмат кўрсатадиган банкларда очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамларига белгиланган тартибида ўтказилади.

31. Туман (шахар) солик органлари учун очилган транзит ҳисоб рақамларига тушган маблағлар ҳар куни, иш куни охирида тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар бош бошқармаларида очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

32. Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар бош бошқармаларида Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамларига тушган маблағлар шу куннинг ўзида ушбу банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ягона йифма ҳисоб рақамига автоматик режимда ўтказилади.

VIII. Пенсиялар, нафақалар ва тўловларни молиялаштириш тартиби

33. Жамғарма маблағлари:

а) ишламайдиган фуқароларга:

ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланадиган пенсиялар; болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти олиш хукуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар; конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари тўлаш учун;

б) ишлайдиган фуқароларга:

ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланадиган пенсиялар; вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари; ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари; бола туғилганда бериладиган нафақалар; дафн маросими нафақалари;

16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;

конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари учун сарфланади.

34. Ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан алоҳида ҳисоб рақамлари очилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловлари учун маблағларга бўлган эҳтиёж миқдорини тўлов тўланади-

ган ҳар бир ойнинг 10-кунигача аниқлайди ва Ижро этувчи дирекцияга буюртманома беради.

36. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларини Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг хисоб рақамига ўтказиш йўли билан:

жорий тўлов ойнинг 5-кунигача ўтган ойнинг эҳтиёжи хисоб-китобининг 40 фоизи микдоридаги суммани;

жорий тўлов йилининг 20-кунигача амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган микдоридан қолган суммани сарфлайди.

37. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ўз навбатида, икки банк куни мобайнида тегишли маблағларни Қорақалпогистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошкармаларининг хисоб рақамларига ўтказади, улар буюртманомалар асосида маблағларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари, ўз навбатида, тушган маблағларни пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлаш учун «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимлари хисоб рақамларига ўтказадилар.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг буюртманомалари бўйича ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, хомиладорлик ва туғиши нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар, дағн маросими нафақалари, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш куни учун ҳак тўлаш, берилаётган имтиёзлар ўрнига компенсация тарикасидаги пул тўловлари (бюджет ташкилотларидан ташқари) маблағларини молиялаштирадилар.

38. Жамғарманинг хисоб рақамларидан маблағларни қонун ҳужжатларида, шунингдек мазкур Низомда назарда тутилмаган мақсадларда ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

IX. Жамғарма маблағлари шакллантирилиши ва улар сарфланиши хисоби юритилиши учун жавобгарлик

39. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари Жамғармага тасдиқланган даромадлар прогнозига мувофиқ тушумларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун жавоб берадилар.

40. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси пенсиялар, нафақалар ва компенсациялар тўлаш учун назарда тутилган Жамғарма маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши учун жавоб беради.

41. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

42. Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг хисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик тўловчилар — юридик шахсларга юкланди, улар:

мазкур Низомда белгиланган тартибда мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўғри хисобланишини ва ўз вақтида тўланишини таъминлашга;
иш жойи бўйича тўланадиган Жамғарма маблағлари сарфи учун жавоб беришга;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари ходимларини Жамғармага тўловлар ва мажбурий ажратмалар ҳисобланиши ва тўла-нишининг тўғрилигини текшириш учун кўйишга, уларнинг талабига кўра ушбу тўлов-лар ва мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланиши ва тўланиши билан боғлик зарур хужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар.

43. Пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлайдиган корхоналар, таш-килотлар ва муассасалар Жамғарма маблағларининг ўз вактида ва мақсадли тўла-ниши учун жавоб берадилар.

44. Ижтимоий суфурта бўйича бадалларни мустақил тўлайдиган юридик ва жисмоний шахслар Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўлов-ларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вактида тўланиши учун жавоб берадилар.

45. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган муддатларда чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботи тақдим этади.

46. Жамғармага муддатида тўланмаган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни ундириб олиш Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белги-ланган тартибда амалга оширилади.

47. Маблағлар Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамларига ортиқча ёки янглиш ўтказилган тақдирда ушбу маблағларни мазкур тўловчининг Жамғармага бошқа тўловлари ҳисобига ҳисоблаш солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан тегишли туман (шахар) солиқ органи томонидан тайёрланган тўлов топшириқномаси асосида, тўловнинг бир тури бўйича ортиқча тўловни бошқа тўлов тури бўйича муддатида тўланмаган қарз тўлови ҳисобига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

48. Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамларига ортиқча ёки янглиш ўтказилган маблағларни қайтариш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, қонун хужжатла-рида белгиланган муддатда тегишли туман (шахар) солиқ органи томонидан амалга оширилади.

X. Жамғарма маблағлари тўғри ҳисобланиши, тўланиши ва сарфланиши назорат қилиш

49. Пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашда Жамғарма маблағла-рининг тўғри ҳисобланиши, тўланиши ва фойдаланилишини назорат қилиш юридик шахсларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари томонидан амалга оширилади.

50. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисоб-китоб қилиниши, тўлиқли-ги ва ўз вактида тўланишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари то-монидан амалга оширилади.

51. Иш жойи бўйича корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан Жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижти-моий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг маҳаллий органлари билан биргалик-да оширилади.

52. Пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларининг тўғри тайинланиши ва тўланишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади.

53. Пенсиялар, нафақалар ва компенсациялар тўлови харажатлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ижтимоий суфурта бўйича харажат-

лари ўз вақтида молиялаштирилиши мониторинги Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

54. Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш Жамғарма маблағларидан фойдаланишини назорат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Назорат функциялари Жамғарма маблағларидан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси томонидан Назорат қылувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгашининг қўшимча розилигисиз амалга оширилади. Бунда кўрсатиб ўтилган текширишлар тасдиқланган режалар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг бўйруқлари билан амалга оширилади.

55. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва Халқ банки бўлинмалари томонидан Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юкландади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 11-сон, 71-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 12-сон, 80-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига 3-илованинг 34 ва 36-бандлари (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда).

БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

449 Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган режали йиллик даромадлар ва харажатлар ҳажмларининг чораклик тақсимотини тузиш, бюджетни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш, бюджетда назарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
20 октябрда 1025-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 30 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидағи низомга асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 26 марта 29-сон буйруфи билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган режали йиллик даромадлар ва харажатлар ҳажмларининг чораклик тақсимотини тузиш, бюджетни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш, бюджетда назарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2001 йил 12 апрел, рўйхат рақами 1025 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 йил 7-8-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* асосан киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, ўн кун ўтгандан сўнг, кучга киритилсин.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 октябрь,
111-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

450 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
22 октябрда 1047-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 1 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуни 7 ва 51-моддаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ягона вакиллик хисоб рақами режимига ўтиб ишлиши ва банк телекоммуникация тармоғи муҳофазасини таъминлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Марказий банк Бошқаруви томонидан 2001 йил 23 июнда тасдиқланган 492-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги Йўриқномага (2001 йил 9 июль, рўйхат рақами 1047 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 йил 13 сон) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 октябрь,
21 / 10-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2004 йил 2 октябрдаги 21 / 10-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган қўшимчалар

Йўриқнома қўйидаги таҳрирдаги янги бандлар билан тўлдирилсин:

«11¹. Банк телекоммуникация тармоғи орқали давлат сири тоифасига кирувчи маълумотлар узатилиши қатъиян ман этилади.

11². Марказий банк фармойиши ва мувофиқлаштирилган режа-жадвали асосида тижорат банкларида амалга оширилаётган текширишлар ва ўрганишлар вақтида, текширувчиларга қозоҳ хужжатлар билан бир қаторда электрон маълумотлардан (электрон хужжатлар, электрон база, электрон архив) хам банк биносидан олиб чиқиб кетмаслик шарти билан фойдаланишга рухсат этилади».

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 16 октябрдан 22 октябргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган режали йиллик даромадлар ва харажатлар хажмларининг чораклик тасимотини тузиш, бюджетни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни хисобга олиш, бюджетда назарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 октябрдаги 111-сон буйруғи.

2004 йил 20 октябрда 1025-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 октябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 2 октябрдаги 21/10-сон қарори.

2004 йил 22 октябрда 1047-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 1 ноябрдан кучга киради).

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Марказий банкининг 2004 йил 12 авгуstdаги 22-6971, 17-29/1158-сонли қўшма хати.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳамда амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.